УДК 37.013.46

КОГНИТИВ КОМПЕТЕНТЛИК ТУЗИЛМАСИ: МАЗМУНИ ВА МОҲИЯТИ

Ж.С.Отопбергенов

Мақолада бўлажак педагогларда когнитив компетентликни ривожлантириш тузилмаси, компонентлари таҳлил этилган. Муаллиф назарий материалларни таҳлил этиш асосида "компетенция", "компетентлик", "билиш компетенцияси", "ўқув-билиш компетенцияси", "когнитив компетенция" тушунчалари моҳиятини очиб берган. Когнитив компетентликнинг таркибий асосларини белгилашга доир турли ёндашувларни таҳлил этиш асосида унинг тўрт асосий компонентини аниқлаштирган ва мантиқий тузилмасини таклиф этган.

Калит сўзлар: *компетенция, компетентлик, билиш, фаолият, билиш фаолияти, когнитив компетенция, когнитив компетентлик, компонент.*

В статье анализируются структура и компоненты развития когнитивной компетентности у будущих педагогов. На основе анализа теоретических материалов автор раскрывает сущность понятий «компетенция», «компетентность», «познавательная компетенция», «учебно-познавательная компетенция», «когнитивная компетенция». На основе анализа разных подходов к определению структурных основ когнитивной компетентности, определяются четыре ее основных компонента и предложена логическая структура.

Ключевые слова: *компетенция, компетентность, познание, деятельность, познавательная деятельность, когнитивная компетенция, когнитивная компетентность, компонент.*

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Мазкур концепция олий таълим тизимини ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш асосида таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадларини кўзда тутади [1].

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш; халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан, ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш муҳим вазифалар сифатида белгилаб берилди. Ўқитишнинг кредит-модуль тизими компетенциявий ёндашув билан бевосита уйғун амалга оширилиб, модулли ўқитиш технологияларининг натижаси сифатида бўлажак мутахассисларда таркиб топтириладиган компетенциялар акс этади.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим муаммолари педагогика фанида кенг тадқиқ этилмоқда. Компетенциявий ёндашувни амалга оширишнинг назарий асосларини ишлаб чиқишга У.Иноятов, Н.Муслимов, О.Мусурмонова, Б.Ходжаев, М.Ваҳобов, М.Мирсолиева, М.Пардаева [2; 3; 4; 5; 6; 7; 8] каби олимлар катта ҳисса қўшишган.

Мазкур муаммо бўйича илмий изланишлар олиб борган олимлар компетентлик тушунчасини компетенция орқали аниқлаштиришган. Шунинг учун дастлаб компетенция тушунчасига изоҳ бериш лозим.

Компетенция (лотинча competencia) инсон яхши хабардор, билим ва тажрибага эга масалалар доирасини ифода этади.

"Компетенция" атамаси 1965 йилда илк бор Н.Хомский томонидан қўлланилган. У ўзининг "Синтаксис назарияси аспектлари" деб номланган асарида фаолиятнинг идеал шароитларида ўз ифодасини топадиган айрим идеаллашган объектларни тавсифлашга (Н.Хомский бўйича: тилни ўрганишда мулоқотнинг идеал шароитларида) хизмат қиладиган "компетенция" тушунчасини қўллашни таклиф этган [9].

Компетенция (лотинча сўз бўлиб, эришаман, тўғри келаман маъноларини билдиради) – субъектнинг мақсадни қўйиш ва унга эришиш учун ташқи ва ички захираларни самарали бирга ташкил қила олишликка тайёргарлиги, бошқача қилиб айтганда, бу субъектнинг муайян касбий масалаларни еча олишга шахсий қобилиятидир [10. Б. 41].

Манбаларни таҳлил қилиш асосида "компетенция" тушунчасининг умумэътироф этилган ягона таърифи ва компетенцияларнинг яхлит таснифи мавжуд эмаслиги ҳақидаги хулосага келинди. Шу билан бирга, хорижий ва миллий педагогикамизда амалга оширилган тадқиқотлар таҳлили муаммо-

га доир ёндашувларнинг умумий асосларга эгалигини кўрсатди ҳамда шахс компетентлигининг акмеологик йўналганлиги нуқтаи назарига асосланиб фикр юритиш имконини беради.

Мазкур илмий тадқиқотда кўпчилик муаллифларнинг фикрларига қўшилган ҳолда умумий, шахс билан боғлиқ бўлмаган ва маълум бир фаолият турини эгаллаш бўйича шахсий тажриба сифатида "компетенция" ва "компетентлик" категориялари фарқланди.

Е.Ф.Зеер шахс билан боғлиқ бўлмаган воқелик сифатида компетентликни тушунча, тамойил, қоидалар шаклида тақдим этиладиган назарий ва эмпирик билимлар йиғиндиси сифатида қарайди [11]. Бир қатор олимлар компетентликнинг фаолият билан боғлиқ жиҳатини алоҳида қайд этиб ўтишади. Масалан, И.В.Чаплыгина компетентликни маълум бир шароитда намоён бўладиган шахс хусусияти, унинг номаълум вазиятларда фаолиятни амалга оширишга тайёрлиги сифатида тавсифлайди [12].

Н.Муслимовнинг фикрича, компетентлик – бу талабанинг шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга касбий фаолиятни амалга ошириши учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни эгаллаши ҳамда уларни касбий фаолиятда қўллай олиши билан ифодаланади. Олимнинг қайд этишича, "компетентлик" тушунчасини икки кўринишда талқин қилиш мақсадга мувофиқ: компетентлик талабаларнинг шахсий сифатлари тўплами ҳамда касбий соҳанинг таянч талаблари сифатида [4. Б.131].

Ю.Г.Татур компетентликнинг қуйидаги ўзига хосликларини ажратиб кўрсатади:

1) интеграл хусусият, шахс тавсифи;

2) маълум бир соҳа, вазиятда муваффақиятли фаолият юритиш;

3) касбий фаолиятда инсон (мутахассис)нинг ўз имкониятларини амалга ошириш қобилияти [13].

Илмий манбалар таҳлили замонавий шароитда жамият томонидан ижтимоий буюртма сифатида қабул қилинган меъёр ва стандартлар билан мувофиқликда компетентликни мутахассиснинг фаолиятини амалга оширишга тайёрлиги ва қобилиятини акс эттирувчи интегратив ўзига хослиги сифатида тушуниш имконини берди (А.В.Хуторской, Н.Муслимов, О.Мусурмонова, М.Мирсолиева ва бошқалар).

Бизнингча, юқорида келтириб ўтилган таъриф компетентлик тушунчасининг ижтимоий ва психологик тавсифини яхлит акс эттиради, шу билан бирга, унинг ўзига хос хусусиятини очиб беради, маълум бир белгиларини аниқлаб беради. Бироқ мазкур таърифда компетентликнинг муҳим хусусияти – унинг динамик тавсифи, шунингдек, фаолиятда самарадорликка эришишни кўзда тутувчи муҳим жиҳати алоҳида қайд этиб ўтилмаган.

Шундай қилиб, тушунчага аниқлик киритиш асосида компетентлик деганда инсоннинг маълум бир соҳада самарали фаолиятни амалга оширишга тайёрлиги ва қобилиятини ифода этувчи унинг интегратив шахсий сифати тушунилади, деган хулосага келинди.

"Когнитив" тушунчаси "билиш", "билиш фаолияти" билан бирга қўлланади. Когнитив компетентликнинг заруратини асослашдан аввал "билиш" тушунчасига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Билиш – бу объектив борлиқ тавсифининг онгдаги ифодасидир. У ҳис-туйғулар (бошқа одам руҳиятидагиларни ҳис қилиш)да, фикрлар (фикрлаш)да, тил (интерпретация)да ва хатти-ҳаракат (мақсадга эришиш бўйича ҳаракатлар)да намоён бўлади [14. Б. 187]. Бошқа томондан, билиш жараёни – бу нарса-ҳодисалар ҳақида ҳақиқий ва улар ҳақида оддий билимларни ўзлаштириш мақсадини акс эттирадиган инсон интеллектуал фаолияти жараёни. Шунинг учун жараённинг ўзи инсондаги билимлар ва уларнинг таянчидан фойдаланишни ўзида акс эттиради [15. Б. 37 – 38]. Агар умумий тарзда қарайдиган бўлсак, билиш – мазмунида янгисини ишлаб чиқиш учун мавжуд билимлардан фойдалана олиш акс этадиган маънавий фаолият.

Психологик адабиётларда билиш бевосита фаолият категорияси билан бирга қўлланилади. Дастлаб амалий фаолиятнинг алоҳида бир томони сифатида пайдо бўлган билиш тушунчаси фаолиятнинг алоҳида турига айланди – билиш фаолияти. Билиш фаолиятини чуқурроқ тушуниш учун "фаолият" тушунчасининг моҳияти ва функционал-структурал тавсифини аниқлаштириш лозим.

Замонавий илм-фанда инсон фаолиятини тавсифлайдиган кўплаб ёндашувлар мавжуд. Ана шундай концепциялардан бири фаолиятга йўналтирилган назариядир.

А.Леонтьев фаолиятга йўналтирилган назариянинг қуйидаги асосий қоидаларини ишлаб чиққан:

1) фаолият, энг аввало субъектга ва фаолият турига муносабатни акс эттиради;

2) субъект ривожининг асосий канали – интериоризация, яъни ташқи моддий-ҳиссий фаолият шаклини ички асосга ўтказиш;

3) фаолият оддий табиий объектлар билан эмас, унга таъсир кўрсатадиган маълум бир ижтимоий усулларда ифода этиладиган маданият предмети орқали амалга ошади, мазкур усул предметли фаолиятни амалга оширишда ҳар доим қайта такрорланади;

4) фаолият ҳамма вақт мақсадга йўналтирилган бўлиб, ўзининг самарасини беради [16. Б. 346].

Бир қатор олимлар фаолиятга йўналтирилган назария қоидаларига таянган ҳолда фаолиятни "... инсоннинг атроф-муҳит, бошқа кишилар, берилган вазифаларга у ёки бу муносабати орқали амалга ошириш жараёни" (С.Рубинштейн); айрим якуний

вазиятларда баъзи бошланғич ҳолатларнинг қайта намоён бўлиши (А.Матюшкин); предметнинг дастлабки ҳолатдан вазифа ечими сифатида талаб қилинган ҳолатга ўтиши (Г.Балл).

Фаолиятга йўналтирилган назария педагогика фанида шахсий-фаолиятга йўналтирилган ёндашувда ўз аксини топган. Шахсий-фаолиятга йўналтирилган ёндашув йўналишида изланишлар олиб борган тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, шахсий-фаолиятга йўналтирилган ёндашувида шахснинг ва фаолиятнинг компонентлари бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлади, чунки бу ёндашув жараёнида шахс субъект сифатида фаолият кўрсатади [17].

Ўз навбатида, турли хил омиллар таъсирида ҳамда шахснинг ўз фаолияти натижалари таъсирида унинг субъект сифатида ривожланиши амалга ошади.

Ш.Шодмонованинг таъкидлашича, шахсий-фаолиятга йўналтирилган ёндашувда талабаларнинг мустақил фаолиятига таъсир кўрсатувчи таълим-тарбия жараёнидаги мавжуд омилларни аниқлаш асосида мазкур жараёнда вужудга келаётган ўзгаришларни вазиятларга кўра таҳлил қилиш зарур бўлиб, бунда уларнинг мустақил ва эркин фикр билдиришлари, ҳеч қандай ҳадиксирашларсиз ўз тушунчаларини ифодалашлари, эркин мулоқотга киришишлари, яъни ўз имкониятларини намоён этишлари учун зарурий ва етарли шарт-шароитлар яратилади [18. Б.78].


Психология фанида билишнинг икки даражаси фарқланади: ҳиссий ва рационал. Биринчи даражага сезиш органлари ёрдамидаги билишдир. Ҳиссий билиш натижасида инсонда атроф-муҳит манзараси, образ ҳосил бўлади. Психологияда субъектнинг ҳиссий билиши, энг аввало, идрок этиш жараёнларида ва унинг хусусий шакли – сезишда намоён бўлади.

Рационал даражадаги билиш инсоннинг тафаккурига тааллуқлидир. Тафаккурда билиш ҳиссий идрок этиш чегарасидан ўтади, атроф-муҳитдаги нарса-буюмлар ўртасидаги ўзига хос хусусият, алоқа ва муносатлар очиб берилади. Тафаккур олам манзарасини тушунча, ҳукм ва хулосалар орқали акс эттиради. Тушунча, ҳукм ва хулоса инсон тафаккурининг асосий шаклларини ташкил этади. Мазкур масала педагогик тадқиқотларда ҳам, жумладан, Б.Ходжаев томонидан аниқлаштирилган тафаккур тузилмасида ҳам ўз ифодасини топган [5. Б. 33].

Педагогик нуқтаи назардан билиш фаоллиги асосий функцияларига кўра икки турга ажратилади: адаптив ва продуктив (А.М.Матюшкин). Фаолликнинг адаптив тури лаёқатни ҳосил қилади, продуктив эса бевосита мослашув учун зарур бўлмаган турли психик ўзгаришларнинг юзага келиши ва шаклланишининг асосини ташкил этади [19].

Педагогик фасилитация воситасида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини тадқиқ этиш асосида Л.Бектурсынова билиш фаолиятининг учта даражасини ажратиб кўрсатади: репродуктив (намуна, таниш вазиятлар асосида ўқув топшириқларини бажариш); вариатив (алгоритмлаш, вариативликка асосланган топшириқларни бажариш); ижодий (тадқиқотчилик, ижодий топшириқларни бажаришга доир мустақил ўқув фаолияти) [20. Б. 114]. Тадқиқотчи томонидан таклиф этилган тасниfнинг биринчи ва иккинчи даражалари билишнинг адаптив, учинчиси эса продуктив турига тааллуқли эканлигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Юқоридаги нуқтаи назарларни умумлаштириб, билишнинг ҳиссий даражаси – адаптативга, рационал эса – продуктивга мос келади деб ҳисоблаш мумкин, психик фаоллик шакли сифатида хотира ва диққат билиш жараёни йўналтириб туришга хизмат қилади (1-расмга қаранг).



1-расм. Билиш фаолиятининг тузилмаси

Тадқиқот мантиқидан келиб чиққан ҳолда “когнитив компетентлик” тушунчасининг мазмун-моҳиятини аниқлаштирамиз.

Илмий ҳамжамият ва амалиётда жамиятнинг ҳар бир аъзоси эгаллаши лозим бўлган таянч компетенция тушунчаси истеъмолга киритилган.

Таянч компетенцияларнинг асосий ўзига хослиги шундаки, улар интегратив табиатга эга ҳамда билим, кўникма, малака ва интеллектни ўзида бирлаштиради

Таянч компетенциялар таълим олувчиларнинг хилма-хил фаолият турлари самарадорлигини таъминлашда билимларни мустақил ўзлаштиришга имкон берувчи когнитив кўникмаларга таянади.

Шу сабабли тадқиқотчилар таянч компетенциялар таркибига, албатта, билиш фаолияти соҳасидаги (И.Зимняя, Б.Ходжаев ва бошқалар) ёки ўқув-билиш компетентлигини (А.Хуторской, В.Адольф, Л.Бектурсынова ва бошқалар) киритишади.

“Билиш фаоллиги компетенцияси” билишга доир вазифаларни қўйиш ва ҳал этиш; муаммоли вазиятларни яратиш ва ҳал этиш; продуктив ва репродуктив билиш, тадқиқ этиш, интеллектуал фаолликни ифода этади.

“Ўқув-билиш компетентлиги”ни олимлар реал билиш объектларига мувофиқ равишда мантиқий, методологик, умумўқув фаолияти элементларини ўз ичига олувчи мустақил билиш фаолияти соҳасидаги компетенциялар йиғиндиси сифатида талқин этишади.

Биз Л.Семина [21. С. 25] ва Б.Ходжаев [5. Б. 65]ларнинг фикрларига қўшилган ҳолда шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, мазкур санаб ўтилган компетенциялар яхлитликда когнитив компетентлик тушунчасида ўз аксини топади.

Психологик-педагогик адабиётларни таҳлил этиш асосида “когнитив компетентлик” тушунчасини таърифлашга доир турлича ёндашувлар мавжудлигига гувоҳ бўлдик. Масалан, О.В.Потанин когнитив компетентликни “битирувчининг ўз иш ўрнини топиши ва янги фаолият шароитига мослашув даврини қисқартириш, шахсий ўз-ўзини намоён этишга имкон берувчи билим, кўникма ва малакаларнинг мавжудлик” шакли сифатида талқин қилади ҳамда когнитив компетенцияни “касбий, шахсий ва ижтимоий ҳаёт, ўз-ўзини такомиллаштириш жараёнида билиш фаоллигини ривожлантиришга қобилиятлилик; салоҳиятини мунтазам ошириб бориш; янги билим ва кўникмаларни эгаллашда рефлексия ва мустақилликни намоён этиш”га эга бўлиш имконини берувчи талабанинг тайёргарлик даражасини белгилаб берувчи таълим натижаси” сифатида аниқлаштирган [22. Б. 301].

Л.А.Осипованинг фикрича, когнитив компетентлик ўзида “ўқув ва бошқа фаолият турлари жараёнида юзага келадиган муаммоли вазифаларни самарали ҳал этишда ўзининг салоҳиятидан (ўқув фаолиятини ташкил этиш технологиясига доир билимлар, мазкур билимларни амалиётда қўллай олиш кўникмаси, мустақил ўқув фаолияти тажрибасининг мавжудлиги) фойдаланишга интилиши ва тайёрлигини белгилаб берувчи шахс интеграл сифати”ни акс эттиради [23. Б. 9].

Талабаларнинг когнитив компетентлигини тадқиқ этиш натижасида Д.В.Дудко когнитив компетентлик “педагогнинг касбий фаолиятга назарий ва амалий тайёрлиги, уни мунтазам такомиллаштириб бориш, касбий фаолиятни амалга ошириш жараёнида ижодий ечимларни излаб топишга қобилиятлигидир” [24. Б. 67], деган хулосага келган.

Е.В.Вязовова ўқувчиларнинг когнитив компетентлигини “реал воқеликка хос объектлар билан мувофиқликда ўқувчиларнинг мустақил репродуктив ва продуктив билиш фаолияти соҳасига доир компетенциялар мажмуини эгаллаши” сифатида талқин қилади [25. Б. 25].

Л.В.Семина ўзининг тадқиқотида “когнитив компетенция” ва “когнитив компетентлик” тушунчаларининг ўзаро алоқадорлиги ва фарқли жиҳатларини аниқлаштиришга ҳаракат қилган. Когнитив компетенциялар когнитив компетентлик компонентларидан келиб чиқиб белгиланиши ҳақидаги хулосага келган. Шунингдек, тадқиқотчи ўз изланишлари натижасида когнитив компетентликни “когнитив механизмларни (мақсад қўйиш, режалаштириш, таҳлил, рефлексия) амалга оширишга тайёрлик ва қобилияти, шунингдек, когнитив операциялар (таққослаш, таҳлил этиш ва умумлаштириш) асосида билиш фаолияти жараёнида янги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашни белгилаб берувчи шахс сифати” сифатида талқин этган. Когнитив компетентлик ўзида мотивацион, билишга доир ва рефлексив компетенцияларни, шунингдек, унга субъектив муносабатни акс эттиради [21. Б. 25].

“Когнитив компетентлик” тушунчаси мазмунини очиб беришга доир ёндашувларни интеграциялаш асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- компетентлик – шахсий тавсифга эгалик. Кўплаб тадқиқотчилар когнитив компетентлик тузилмасида мотивацион, иродавий, билишга доир, эмоционал, баҳоловчи ва бошқа компонентларни ажратиб кўрсатишади.

Илмий адабиётлар таҳлили ҳозирга вақтда тадқиқотчилар томонидан когнитив компетентликнинг 20 га яқин компоненти ажратиб кўрсатганлигини кўрсатади. Уларни бир қанча мантиқий блокларга ажратиш мумкин: мотивацион-қадриятли, билишга доир, фаолиятга доир, мазмунли ва

рефлексив, шунингдек, алоҳида ажратиб кўрсатилган қатор компонентлар мазкур санаб ўтилган блокларга ҳам киритилмаган. Уларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқамиз.

Мотивацион компонент – талабаларнинг янгини билишга эҳтиёжи, фаолият мақсади ва натижаларини англанганлиги, компетентликни намоён этишга тайёрлик.

Мотивацион-аксиологик компонент – “мотивлар, қизиқишлар, билишга доир қадриятлар” (С.В.Рослякова [26], О.Ғ.Давлатов [27. Б. 131]).

Қадриятли-мазмунли компонент – компетентлик мазмунида воқеликдаги билиш объектларига тааллуқли аксиологик установкаларнинг мавжудлиги.

Эмоционал-иродавий компонент – “ўзининг билишга доир фаолиятини мустақил бошқариш, ўзўзини йўналтириш” (С.В.Рослякова) [26].

Юқорида кўриб ўтилган когнитив компетентлик компонентлари бир-бирига яқин маъно касб этади ва шахснинг яхлит мотивацион-қадриятга йўналтирилган соҳасини ўзида ифода этади.

Тадқиқотчилар томонидан кўпроқ когнитив компетентликнинг билишга доир компоненти алоҳида ажратиб кўрсатилади. Билишга доир компонент компетентлик мазмуни билан боғлиқ билимларни эгаллаш, билиш натижасида олинган ахборотларни таҳлил этиш, умумлаштириш, таққослаш ва умумлаштириш воситаларининг мавжудлигини тақозо этади.

Когнитив компетентликнинг ўқув-билиш вазифаларининг мустақил аниқлаш, шакллантириш ва ҳал этиш, ўқув-билишга доир топшириқларни бажариш воситаларининг эгаллашини назарда тутувчи жараёнли-фаолиятга йўналтирилган компоненти ҳам тадқиқотчилар томонидан кўпинча алоҳида ажратиб кўрсатилади.

Когнитив компетентлик мазмуни билан боғлиқликда ҳам унинг компонентларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Масалан, С.В.Васеленко ва Н.И.Пустоваловалар когнитив компетентликнинг таркибий асосларига экологик, математик, информацион, тадқиқотчилик ва конструктив компонентлар [28] ни киритади.

С.В.Рослякова шахсий билиш фаолиятини бошқаришга қобилиятлиликни очиб берувчи когнитив компетентликнинг конатив компонентини ажратиб кўрсатган [26. Б. 61].

Айрим тадқиқотчилар когнитив компетентлик компонентларини кўникмаларга таянган ҳолда аниқлаштиришга ҳаракат қилишган:

1) шахснинг мотивацион-иродавий соҳасига тааллуқли ташкилий-йўналтирувчи кўникма;

2) ахборотни мустақил излаш ва қайта ишлашни таъминлайдиган информацион кўникма;

3) муаммони қўйиш ва ҳал этиш жараёнини аниқ тизимлаштиришга хизмат қилувчи фикрий-мантиқий кўникма;


4) билиш фаолияти субъектларининг самарали ва конструктив мулоқотини таъминловчи коммуникатив кўникма;

5) субъектнинг қадриятли йўналганлигини таъминловчи ижодий кўникма;

6) ностандарт вазиятларни ҳал этиш қобилиятини очиб берувчи ижодий кўникма [29].

Юқорида баён этилган когнитив компетентлик компонентларига диққат қаратсак, ташкилий-йўналтирувчи ва шахсий кўникмани бизнинг фикримизча, мотивацион-қадриятли компонентга, информацион ва фикрий-мантиқий кўникмани фаолиятли компонентга киритиш мумкин.

Когнитив компонентларни аниқлаш бўйича С.Г.Воровщиковнинг қарашлари кишида алоҳида қизиқиш уйғотади. Олим когнитив компетентликни пирамида кўринишида тақдим этган (2-расмга қаранг). Пирамида асосида когнитив усулларга эга техник-технологик даража туради. Пирамиданинг таянч ўзагида билишга доир компонентни тавсифловчи назарий-информацион даража акс этади. Пирамида аксиологик йўналганлик билан тавсифланувчи қадриятга йўналтирилган даража билан якунланади [30. Б. 107].



2-расм. С.Г.Воровщиков бўйича когнитив компетентлик тузилмаси

Когнитив компетентликнинг даражалари билан унинг компонентларини қуйидаги тарзда уйғунлаштириш мумкин: техник-технологик даража – жараёнли-фаолиятли компонент (кўникма); назарий-информацион даража – когнитив компонент (билим); аксиологик йўналганлик даражаси – қадриятли-мазмунли компонент (шахсий тажриба).

Когнитив компетентликнинг таркибий асослари бўйича контент-таҳлил шуни кўрсатдики, кўпчилик тадқиқотчилар ўрганилаётган категориянинг тузилмасида қуйидаги компонентларни ажратиб кўрсатишади: мотивацион-қадриятли, билишга доир ва жараёнли-фаолиятга доир. Бироқ когнитив компетентлик динамик тавсифга эгалигини ҳисобга олиб, унинг самарали ривожланиши учун шахс фаолиятини мунтазам баҳолаб бориш зарур.

Шунинг учун когнитив компонент тузилмасига рефлексив-баҳоловчи компонентни киритиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Таҳлил натижалари асосида тадқиқотда когнитив компетентликнинг қуйидаги компонентлари аниқлаштирилди:


- мотивацион-қадриятли компонент – билиш фаолиятида эҳтиёжлар, билиш натижасида олинган ахборотларнинг аҳамиятини англанганлиги, билиш жараёни ва натижаларига қизиқишнинг фаол намоён бўлиши, доимий ўз-ўзини такомиллаштиришга эҳтиёжнинг англаниши;

- билишга доир компонент – фикрлаш операциялари ва билиш усуллари (анализ ва синтез, таққослаш, умумлаштириш ва таснифлаш, конкретлаштириш, индукция ва дедукция, абстрактлаш, моделлаштириш); билиш фаолияти алгоритмлари ва стратегиялари;

- жараёнли-фаолиятли компонент – фаолиятни амалга оширишда билиш усулларига таяниш; билиш фаолияти алгоритмлари ва стратегияларини қўллашга шахснинг тайёрлиги;

- рефлексив-баҳоловчи компонент – фаолиятнинг продуктив усулларини белгилаб олиш мақсадида ўзининг билиш фаолиятини баҳолашга шахснинг тайёрлиги ва кейинги амалга ошириладиган ҳаракатларга тузатишлар киритиш.

Юқоридаги назарий қоидаларга асосланган ҳолда бўлажак ўқитувчиларда когнитив компетентликни ривожлантириш тузилмасини қуйидаги кўринишда тасвирлаш мумкин (3-расмга қаранг).



3-расм. Бўлажак педагогнинг когнитив компетентлиги тузилмаси

Таҳлил натижалари асосида биз бўлажак педагогларнинг когнитив компетентлиги уларнинг ўқув-билиш фаолиятининг когнитив механизмларини (мақсад қўйиш, режалаштириш, таҳлил этиш, рефлексия) амалга оширишга тайёрлиги ва қобилияти ҳамда ўзида мотивацион-қадриятга йўналтирилган, билишга доир, жараёнли-фаолиятга доир ва рефлексив-баҳоловчи компонентларни қамраб оладиган шахснинг интегратив сифатидир, деган хулосага келдик.

Когнитив компетентлик шахс қобилиятининг таянч турларидан бири саналади, шунинг учун замонавий шароитда уни ҳар бир мутахассис эгаллаши лозим. Шунингдек, уни бошқа компетентлик турларининг таркибий қисми, узлуксиз таълимнинг туб асоси сифатида талқин қилиш мумкин.

Когнитив компетентликнинг тузилмасига биноан уни шакллантиришнинг қуйидаги вазифаларини ажратиб кўрсатиш мумкин: таълим олувчиларда касбий таълим ва эгалланаётган касбга мотивацион-қадриятли йўналганликни ривожлантириш; мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш технологиялари билан қуроллантириш; рефлексия ва ўз-ўзини объектив баҳолаш усуллари, ўқув билиш-фаолиятини эмоционал-иродавий бошқариш кўникмаларини шакллантириш.

Ижтимоий-педагогик нуқтаи назардан бош вазифа таълим олувчиларда когнитив компетентликни уларга самарали ўқув-касбий фаолиятни тақдим этадиган ва бутун ҳаёт давомида муста-

қил билим олишга қобилиятлиликни ривожлантирадиган даражада шакллантиришдан иборат. Чунки фақат юқори касбий компетентликка эга мутахассис меҳнат бозорида замонавий рақобатбардошликка, касбий фаолият ва шахсий ўз-ўзини намоён этишда муваффақиятга эришиши мумкин.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019. 06/19/5847/3887-сон.

2. *Иноятов У.И.* Теоретические и организационно-методические основы управления и контроля качества образования в профессиональном колледже: дисс.докт.пед. наук. –Ташкент, 2003. – 236 с.

3. *Мусурмонова О.* “Таълим менежерининг касбий компетентлиги ва креативлиги” модулининг ўқув-услубий мажмуаси. – Тошкент: БИММ, 2015. – 288 б.

4. *Муслимов Н.А.* Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед.фанл.докт. ... дисс. – Тошкент: 2007. – 357 б.

5. *Ходжаев Б.Х.* Умумтаълим мактаби ўқувчиларида тарихий тафаккурни модернизациялашган дидактик таъминот воситасида ривожлантириш: педагогика фанлари доктори. ... дисс. – Тошкент, 2016. – 314 б.

6. *Вахобов М.М.* Умумий ўрта таълим тизимида ўқитиш сифати мониторинги моделини такомиллаштириш: педагогика фанлари доктори. ... дисс. – Тошкент, 2016. – 278 б.

7. *Мирсолиева М.Т.* Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлилигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш: педагогика фанлари бўйича фан доктори (DSc). ...дисс. – Тошкент, 2019. – 225 б.

8. *Пардаева М.Д.* Умумий ўрта таълим мактабларида компетенциявий ёндашувни жорий этишнинг методик тизимини бошқариш (информатика ва ахборот технологиялари фани мисолида): педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). ...дисс.автореф. – Тошкент, 2020. – 49 б.

9. *Хомский Н.* Аспекты теории синтаксиса / Перевод с английского под редакцией и с предисловием В.А. Звегинцева. Изд-во Московского университета, 1998. – 233 с.

10. Педагогический словарь / Под ред. В.И.Загвязинского, А.Ф.Закировой. – Москва: Академия, 2008. – 337 с.

11. *Зеер Э.Ф.* Личностно-ориентированные технологии профессионального развития специалиста. – Екатеринбург, изд-во Урал. гос. профессионально-педагогического университета, 1999 – 245 с.

12. *Чаплыгина И.В.* Ключевые компетенции в среднем профессиональном образовании // Профессиональное образование. – Москва, 2005.–№ 3.– С. 6 – 7.

13. *Татур Ю.Г.* Компетентностный подход в описании результатов и проектировании стандартов высшего профессионального образования: материалы ко второму заседанию методологического семинара. Авторская версия. – Москва: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 2004. – 6 с.

14. *Канке В.А.* Философия: Учебник для вузов. – Москва: Логос, 2001. – 344 с.

15. Философия: Учебник для вузов / Под. ред. Л.А.Никитич. – Москва: ЮНИТИ – ДАНА, 2000. – 364 с.

16. *Леонтьев А.Н.* Деятельность. Сознание. Личность. – Москва: Смысл; Академия, 2004. – 346 с.

17. *Зимняя И.А.* Педагогическая психология. – Москва: Логос, 2000. – 384 с.

18. *Шодмонова Ш.С.* Олий ўқув юрти талабаларида мустақиллик тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш (Касб таълими йўналиши мисолида): пед. фан. док. ...дисс. – Тошкент, 2010. – 340 б.

19. *Матюшкин А.М.* Проблемные ситуации в мышлении и обучении /А.М. Матюшкин. Издательство: Директмедиа Паблишинг, – 2008. – 392 с.

20. *Бектурсынова Л.Х.* Педагогик фасилитация воситасида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини такомиллаштириш: педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). ...дисс. – Нукус, 2019. – 165 б.

21. *Семина Л.В.* Самостоятельная работа как средство формирования когнитивной компетентности бакалавров при изучении иностранного языка в педагогическом вузе: дисс. … канд. пед. наук. – Москва, 2013. – 214 с.

22. *Потанина О.В.* Когнитивная компетенция будущего инженера: сущность, структура, содержание // Вестник Башкирского университета. Раздел “Педагогика и психология”. 2009. – Т. 14. – № 1. – С. 298 – 301.

23. *Осипова Л.А.* Информационно-образовательные проекты как средство формирования у студентов когнитивной компетентности: автореф. дис. … канд. пед. наук: 13.00.01. – Брянск, 2008. – 25 с.

24. *Дудко Д.В.* Когнитивная компетентность личности будущего педагога и динамика ее формирования // Известия Российского государственного педагогического университета им. А.И. Герцена. – Вып.63. 2008. – № 2. – С.63 – 67.

25. *Вязовова Е.В.* Формирование когнитивной компетентности у учащихся на основе альтернативного выбора учебных действий (на примере обучения математике). – Нижний Тагил, 2009. – 140 с.

26. *Рослякова С.В.* Концепция формирования познавательной компетентности у современных подростков в условиях интеграции общего и дополнительного образования: монография. – Челябинск: Изд-во Челяб. гос. пед. ун-та, 2016. – 341 с.

27. *Давлатов О.Ғ.* Талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини тарихий-маданий мерос воситасида ривожлантириш: педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). ...дисс. – Тошкент, 2018. – 177 б.

28. *Власенко С.В.* Система познавательных проектов и ее влияние на развитие познавательной компетентности дошкольников // Вектор науки Тольяттинского государственного университета. Серия: Педагогика, психология. 2013. – №3 (14). – С. 48 – 50.

29. *Шмигирилова И.Б.* Познавательная компетентность школьника // Вектор науки Тольяттинского государственного университета. Серия: Педагогика, психология. – Тольятти, 2012. – №2. – С.330 – 333.

30. *Воровщиков С.Г.* Азбука логичного мышления: Учебное пособие для обучающихся старших классов. – Москва: Центральное издательство, 2005. – 288 с.

DEVELOPING COGNITIVE COMPETENCY IN FUTURE TEACHERS: CONTENT AND ESSENCE

J.S.Otopbergenov[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya. Pedagogik tadqiqotlar – Scientific bulletin. Pedagogical Research. 2020. 2 (46). 73 – 82.

[1]Nukus State Pedagogical Institute, Nukus, 230100, str. Seyitov (Karakalpakstan) E-mail: www.ndpi.uz

Keywords: *competence, competency, cognition, activity, cognitive activity, cognitive competence, cognitive competency, component.*

The article analyzes the structure and components of the development of cognitive competency in future teachers. The author reveals the essence of the concepts of “competence”, “competency”, “cognitive competency” and “learning-cognitive competence” which is based on the analysis of theoretical materials.

During the study, the universally recognized essence of the concept of “competence” and the lack of a single classification of competencies have been revealed. At the same time, the results of the analysis have allowed to think about the generality of approaches to the problem in foreign and national pedagogy and the acmeological orientation of personal competence.

It was concluded that competency refers to an integrative personal quality that expresses a person’s readiness and ability to carry out effective activities in a particular field.

“Cognitive activity competence” expresses setting and solving cognitive tasks, creating and solving problem situations, productive and reproductive cognition, research and intellectual activity.

“Learning-cognitive competence” is interpreted by scientists as a set of competences in the field of independent learning, which includes elements of logical, methodological, general learning activities in accordance with the objects of real knowledge.

Cognitive competency is a person’s quality that determines the readiness and ability to implement cognitive mechanisms (goal setting, planning, analysis, reflection), as well as the acquisition of new knowledge, skills and abilities in the process of cognitive activity based on cognitive operations (comparison, analysis and generalization). Cognitive competency reflects motivational, cognitive and reflexive competences, as well as subjective attitudes towards them.

Based on the results of the analysis, it was concluded that the cognitive competency of future teachers is an integrative quality including their readiness and ability to implement cognitive mechanisms of learning activities (goal setting, planning, analysis, reflection), as well as motivational-value, cognitive, process-activity and reflexive-evaluative components.

Cognitive competency is one of the basic types of personal ability, so in modern conditions, it should be mastered by every specialist. It can also be interpreted as an integral part of other types of competency, and the fundamental basis of continuous education.

According to the structure of cognitive competency, the following tasks of its formation are identified: developing vocational education and motivational-value orientation in the profession to be acquired; equipping with technologies for the organization of independent learning activities; forming methods of reflection and objective self-assessment, and the skills of emotional-volitional management of learning-cognitive activity.

From the socio-pedagogical point of view, the

main task is to form cognitive competency in learners at a level that provides them with effective educational and professional activities, and develops the ability to acquire lifelong independent knowledge. Through it, it is possible to achieve success in professional activities.

References

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 8-oktyabrdagi "O'zbekiston Respublikasi oliy ta'limi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish kontseptsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PF-5847-son Farmoni [Decree No.PF-5847 of the President of the Republic of Uzbekistan as of 8 October 2019 "On approval of the concept of developing higher education system in the Republic of Uzbekistan until 2030"]. National database of legislative acts, 09.10.2019, No.06/19/5847/3887.

2. Inoyatov, U.I. (2003) Teoreticheskie i organizacionno-metodicheskie osnovy upravleniya i kontrolya kachestva obrazovaniya v professional'nom kolledzhe [Theoretical and organizational-methodological bases of management and quality control of education in vocational colleges]. Dissertation of the doctor of pedagogical sciences. Tashkent.

3. Musurmonova, O. (2015) *"Ta'lim menejerining kasbiy kompetentligi va kreativligi" modulining o'quv-uslubiy majmuasi* [Educational-methodological set of the module "Professional competence and creativity of the education manager"]. Tashkent: BIMM.

4. Muslimov, N.A. (2007) Kasb ta'limi o'qituvchisini kasbiy shakllantirishning nazariy-metodik asoslari [Theoretical and methodological bases of professional formation of a teacher of vocational education]. Dissertation of the doctor of pedagogical sciences. Tashkent.

5. Khodjaev, B.Kh. (2016) Umumta'lim maktabi o'quvchilarida tarixiy tafakkurni modernizatsiyalashgan didaktik ta'minot vositasida rivojlantirish [Development of historical thinking in secondary school pupils by means of modernized didactic support]. Dissertation of the doctor of pedagogical sciences. Tashkent.

6. Vakhobov, M.M. (2016) Umumiy o'rta ta'lim tizimida o'qitish sifati monitoringi modelini takomillashtirish [Improvement of the model of teaching quality monitoring in the secondary education system]. Dissertation of the doctor of pedagogical sciences. Tashkent.

7. Mirsolieva, M.T. (2019) Oliy ta'lim muassasalari rahbar va pedagog kadrlarining kasbiy kompetentliligini rivojlantirish mexanizmlarini takomillashtirish [Improvement of the mechanisms for developing the professional competency of managers and teachers of higher education institutions]. Dissertation of the doctor of science (DSc) in pedagogical sciences. Tashkent.

8. Pardaeva, M.D. Umumiy o'rta ta'lim maktablarida kompetentsiyaviy yondashuvni joriy etishning metodik tizimini boshqarish (informatika va axborot texnologiyalari fani misolida) [Management of the methodological system for the introduction of a competency-based approach in secondary schools (on the example of ICT subject)]. Dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) in pedagogical sciences. Tashkent.

9. Chomsky, N. (1998) *Aspekty teorii sintaksisa* [Aspects of the theory of syntax]. Translation from English. Moscow: Izdatel'stvo Moskovskogo universiteta.

10. Zagvyazinsky, V.I., Zakirovoj, A.F. (ed.) (2008) Pedagogicheskij slovar' [Pedagogical dictionary]. Moscow: Akademiya.

11. Zeer, E.F. (1999) *Lichnostno-orientirovannye tekhnologii professional'nogo razvitiya specialista* [Learner-centered technologies for the professional development of a specialis]. Ekaterinburg: Izdatel'stvo Uralskogo gosudarstvennogo professional'no-pedagogicheskogo universiteta.

12. Chaplygina, I.V. (2005) Klyuchevye kompetencii v srednem professional'nom obrazovanii [Key competences in secondary vocational education]. *Professional'noe obrazovanie*. Moscow. No 3. Pp. 6-7.

13. Tatur, Yu.G. (2004) *Kompetentnostnyj podhod v opisanii rezul'tatov i proektirovanii standartov vysshego professional'nogo obrazovaniya: materialy ko vtoromu zasedaniyu metodologicheskogo seminara* [Competence-based approach to the description of the results and design of standards for higher professional education: materials for the second methodological seminar]. Author's version. Moscow: Issledovatel'skij centr problem kachestva podgotovki specialistov.

14. Kanke, V.A. (2001) *Filosofiya: Uchebnik dlya vuzov* [Philosophy: Textbook for higher education institutions]. Moscow: Logos.

15. Nikitich, L.A. (ed.) (2000) *Filosofiya: Uchebnik dlya vuzov* [Philosophy: Textbook for higher education institutions]. Moscow: YUNITI – DANA.

16. Leontev, A.N. (2004) *Deyatel'nost'. Soznanie. Lichnost'* [Activity. Consciousness. Personality]. Moscow: Smysl; Akademiya.

17. Zimnyaya, I.A. (2000) *Pedagogicheskaya psixologiya* [Pedagogical psychology]. Moscow: Logos.

18. Shodmonova, Sh.S. (2010) Oliy o'quv yurti talabalarida mustaqillik tafakkurini shakllantirish va rivojlantirish (Kasb ta'limi yo'nalishi misolida). [Formation and development of independence thinking in students of higher

education institutions (on the example of the direction of vocational education)]. Dissertation of the doctor of pedagogical sciences. Tashkent.

19. Matyushkin,A.M.(2008) *Problemnye situacii v myshlenii i obuchenii* [Problem situations in thinking and education]. Moscow: Izdatel'stvo Direktmedia Pablishing.

20. Bektursynova, L.Kh. (2019) Pedagogik fasilitatsiya vositasida talabalarning o'quv-bilish faoliyatini takomillashtirish [Improving students' cognitive activity through pedagogical facilitation]. Dissertation of the doctor of philosophy (PhD) in pedagogical sciences. Nukus.

21. Semina, L.V. (2013) Samostoyatel'naya rabota kak sredstvo formirovaniya kognitivnoj kompetentnosti bakalavrov pri izuchenii inostrannogo yazyka v pedagogicheskom vuze [Self-study as a means of forming the cognitive competency of bachelors in the study of foreign languages in pedagogical higher education institutions]. Dissertation of the candidate of pedagogical sciences. Moscow.

22. Potanina, O.V. (2009) Kognitivnaya kompetenciya budushchego inzhenera: sushchnost', struktura, soderzhanie [Cognitive competence of the future engineer: essence, structure, content]. *Vestnik Bashkirskogo universiteta. Section "Pedagogy and Psychology".* Vol. 14. No 1. Pp. 298-301.

23. Osipova, L.A. (2008) Informacionno-obrazovatel'nye proekty kak sredstvo formirovaniya u studentov kognitivnoj kompetentnosti [Informative-educational projects as means of formation of cognitive competency in students]. Abstract of dissertation candidate of pedagogical sciences. Bryansk.

24. Dudko, D.V. (2008) Kognitivnaya kompetentnost' lichnosti budushchego pedagoga i dinamika ee formirovaniya [Cognitive competency of the future teacher and dynamics of its formation]. *Izvestiya Rossijskogo gosudarstvennogo pedagogicheskogo universiteta.* Vol. 63. No 2. Pp. 63-67.

25. Vyazovova, E.V.(2009) *Formirovanie kognitivnoj kompetentnosti u uchashchihsya na osnove al'ternativnogo vybora uchebnyh dejstvij (na primere obucheniya matematike)* [Formation of cognitive competency in learners on the basis of alternative choice of learning activities (on the example of teaching mathematics)]. Nizhny Tagil.

26. Roslyakova, S.V. (2016) *Koncepciya formirovaniya poznavatel'noj kompetentnosti u sovremennyh podrostkov v usloviyah integracii obshchego i dopolnitel'nogo obrazovaniya* [The concept of formation of cognitive competency in modern adolescents in the conditions of integration of secondary and additional education]. Chelyabinsk: Izdatel'stvo Chekyabinskogo gosudarstvennogo pedagogicheskogo universiteta.

27. Davlatov, O.G. (2018) Talabalarda axborot xavfsizligini ta'minlash kompetentligini tarixiy-madaniy meros vositasida rivojlantirish [Developing students' competency in information security through historical and cultural heritage]. Dissertation of the doctor of philosophy (PhD) in pedagogical sciences. Tashkent.

28. Vlasenko, S.V. (2013) Sistema poznavatel'nyh proektov i ee vliyanie na razvitie poznavatel'noj kompetentnosti doshkol'nikov [The system of cognitive projects and its influence on the development of cognitive activities of preschoolers]. Vektor nauki Tol'yattinskogo gosudarstvennogo universiteta. Series: Pedagogy, psychology. Tolyatti. No 3 (14). Pp. 48-50.

29. Shmigirilova, I.B. (2012) Poznavatel'naya kompetentnost' shkol'nika [Cognitive activity of schoolchildren]. *Vektor nauki Tol'yattinskogo gosudarstvennogo universiteta. Series: Pedagogy, psychology.* Tolyatti. No 2. Pp. 330-333.

30. Vorovshikov, S.G. (2005) *Azbuka logichnogo myshleniya: Uchebnoe posobie dlya obuchayushixsya starshix klassov* [ABC of logical thinking: Teaching aids for upper grade students]. Moscow: Central'noe izdatel'stvo.

Муаллиф ҳақида маълумот:

Отопбергенов Жеткербай Сакбергенович – Нукус давлат педагогика институти мустақил изланувчиси. E-mail: 3508766@mail.ru